Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2008 ЙИЛ, 13 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (11.284)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАРЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН МИЛЛИОНЛАБ ЁШЛАРИМИЗ ҲАЁТГА КАТТА УМИД ВА ИШОНЧ БИЛАН КИРИБ КЕЛМОҚДА.**



*2008 — Ёшлар йили*

## БУЮК ИСТИҚБОЛИМИЗ ЭГАЛАРИ






***«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди. Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан 2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинди ва «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди.***

***Ўтган вақт мобайнида ушбу Дастур ижросини таъминлаш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.***

### МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ – АМАЛДА

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида, авваламбор, мустақиллик йилларида қабул қилинган амалдаги қонун ҳужжатларининг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисми бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва дастурларининг мазмун-моҳиятига мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқилди. Бу борада юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат рўйхати тузилиб, қайси қонун ҳужжатлари такомиллаштиришни тақозо этади ва яна қандай янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши лозимлигига жиддий эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг 8 январидан эътиборан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун кучга кирди. Бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш мазкур қонуннинг асосий мақсадларидандир.

Президентимиз томонидан шу йилнинг 16 апрелида яна бир муҳим ҳужжат — «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, болалар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган мазкур қонун билан амалдаги бир қанча қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоида-талабларига ҳам асосланади. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ўттиздан ортиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчисидир. Жумладан, жорий йил 4 апрелда "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун, 8 апрелда эса "Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун кучга кирди.

*(Давоми 3-бетда).*

*8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДА 1992 ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ. БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8 ДЕКАБРЬ АЛОҲИДА ҚОНУН БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ, УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

## ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ




Таъкидлаш керакки, мустақил Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб ўз Конституциясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциямизнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар, деб таъкидлаган эди.

Давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш соҳасидаги ролини унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати белгилайди. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш эса турли хил ҳуқуқий асос орқали амалга оширилади. Улар орасида асосий ўринни, ҳеч шубҳасиз, конституция эгаллайди.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш принципларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Конституциясининг 14-бобида оилавий турмуш тарзининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи принципиал қоидалар белгиланган. Унинг 12-боби эса жамиятнинг иқтисодий асослари, иқтисодий фаолият эркинлигини кафолатли таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган.

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

*(Давоми 2-бетда).*

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Республика ўқувчилар ижодиёти марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзкитобсавдо» Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалар» йўналишида ихтисослаштирилган махсус кўргазма-ярмарка бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада эришилган ютуқларнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоллари ва аъзолари иштирок этишди.

● **КЕЧА** шаҳримизда IV халқаро «Фарм экспо Ўзбекистон — 2008» ҳамда «Болалик ҳудуди» деб номланган кўргазмалар бошланди.

● **КЕЧА** Яккасарой туманидаги 5-болалар мусиқа мактабида мазкур илм масканида таҳсил олаётган ёшлар томонидан миллий ва жаҳон мусиқаси асосида тайёрланган концерт дастури ташкил этилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташаббуси билан рақамли телекоммуникация технологияларини телекўрсатувларга жорий этишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган брифингда алоқа соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***11-12 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг лойиҳаси батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, 2009 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодиётни юксалтириш, таркибий жиҳатдан яхшилаш ва модернизация қилишнинг барқарор ҳамда мувозанатлаштирилган суръатларини таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бизнес учун мумкин қадар қулай шарт-шароит яратиш, чет эл инвестицияларини ҳар томонлама жалб этиш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, давлат харажатларининг фуқаролар даромадлари изчил ўсиб боришини, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги хизматлар сифати янада оширилишини, шунингдек, аҳоли кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимояланганлиги таъминланишини назарда тутувчи ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолмоқда.

Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Б.Соатов учинчи ўқишда тақдим этди. Ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасида ишончли ҳуқуқий негизни яратиш учун қабул қилинаётган қонуннинг муҳим эканлигини қайд этиб, депутатлар томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияларининг йиғилишларида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.**

● **Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан семинар ўтказилди. Ушбу тадбир бошқаларидан фарқли равишда баҳс-мунозара шаклида ўтказилиб, унинг якунида иштирокчи ёшлар ўртасида энг яхши ҳуқуқ билимдонлари аниқланди.**

● **Андижонда Истиқлол иншоотларидан бири — «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган марказий универсал магазиннинг уч қаватли биносини сотиб олган тадбиркор Нурилло Раҳматуллаев бошчилигида қурувчилар атиги 9 ой давомида мана шундай улкан мажмуани қайта тикладилар. Марказни қуриш ва жиҳозлаш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон минтақавий бўлимидан олинган 8 миллиард сўм кредит маблағи сарфланди. Маҳобатли бинога жойлашган марказда 800 ўринли тўйхона-ресторан, 150 та компьютер ўрнатилган ахборот-ресурс маркази, болалар шаҳарчаси, 28 турдаги касб-ҳунарни ўргатувчи ўқув муассасаси мавжуд. Машғулотларда бир кунда 2,5 минг нафар бола қатнашади.**

● **Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамкорлигида иқтисодиёт тармоқларида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масалага бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

● **Айни кунларда Адлия вазирлигининг ташаббуси билан барча вилоятларда «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз» шиори остида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги давом этмоқда. Ана шундай мавзудаги тадбир Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.**

● **Жиззахда 6-14 ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган «Янги авлод» республика фестивалининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.**

### ЖАҲОНДА

● **Россия ҳукумати темир йўл соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилишини кўриб чиқмоқда.**

● **Япония ривожланаётган давлатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бутунжаҳон валюта фондига 10 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишини билдирди.**

● **Туркия Бош вазири Режеб Тоип Эрдоған ўз мамлакатининг АҚШ ва Эрон ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда воситачилик қилмоқчи эканлиги хусусида баёнот берди. Унинг билдиришича, расмий Анқара Эрон-Америка муносабатларини ташвиш билан кузатиб бормоқда.**

● **Биринчи декабрдан бошлаб Шимолий Корея Жанубий Корея билан қуруқликдаги чегарани ёпмоқда. КХДР маъмурларининг бундай йўл тутишига Жанубий Кореянинг 2000 ва 2007 йиллардаги икки томонлама музокаралар чоғида эришилган мажбуриятларга риоя этмагани сабаб бўлган.**

● **Покистон шимоли-шарқида жойлашган мамлакат қуролли кучларига тегишли қароргоҳга террорчилар томонидан ҳужум уюштирилди. Маълумотларга кўра, террорчининг машина билан қароргоҳга яқинлашиб келиб, портловчи қурилмани ҳаракатга келтириши натижасида икки ҳарбий ҳалок бўлган, тўрт нафари эса оғир тан жароҳати олган. Ҳозирча ушбу қўпорувчиликни ҳеч қандай гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ.**

● **Эрон янги тайёрланган «Самен» баллистик ракетасини синовдан ўтказди. Мариван шаҳрида амалга оширилган тажриба муваффақиятли якунланган. Ҳозирча янги қуролнинг техник афзалликлари тўғрисида маълумотлар йўқ.**

● **Калининградда героин гиёвандлик моддасини тарқатиш билан шуғулланувчи йирик жиноий гуруҳ аъзолари — ўн бир киши қўлга олинди. Ушлаш чоғида уларнинг ёнидан бир миллион рублдан ортиқроқ пул ҳамда уч минг дозадан кўп героин моддаси чиқди.**

● **Албания жанубидаги Герогастра шаҳрида кўп қаватли уйлардан бири қулаб тушди. Бахтсиз ҳодиса туфайли уч киши тан жароҳати олди. Воқеа жойида қидирув ишларини олиб бораётган қутқарувчилар вайроналар остида яна ўнга яқин одам қолиб кетган бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Маълумотларга қараганда, бинони қуриш вақтида йўл қўйилган хатоликлар орқали ушбу ҳодиса келиб чиққан.**

● **Конго Демократик Республикасида вужудга келган нотинч вазият бутун Африка қитъасини ташвишга солмоқда. Жанубий Африка тараққиёти бирлашмасига аъзо давлатлар раҳбарлари Конго давлатига қўшимча куч юборишга келишиб олишди. Шунингдек, бирлашманинг бу борадаги фавқулодда саммитида исёнчи кучлар ва ҳукумат армияси ўртасидаги тўқнашувлардан азият чекаётган ва бошпанасидан айрилаётган тинч аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда бошпана бериш айтиб ўтилди.**

# ЭРКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Асосий конституциявий қоидалар, принциплар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизида эса ҳуқуқнинг барча – молиявий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, конституцияларнинг юридик жиҳатдан анча мукаммал авлоди йигирманчи асрда пайдо бўлган. Унгача яратилган конституциялар орасида энг қадимийси Англия конституцияси ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиш тарихи ўн учинчи аср боши, яъни 1215 йилга тўғри келади.

Маълумки, асосий қонун, яъни конституцияда бошқа барча жорий қонунлар учун асосий аҳамиятга эга ғоя ва қоидалар мустаҳкамланади. Шу тариқа ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқ тизимида у устувор аҳамият касб этади.

Конституциянинг устуворлиги яна шунда намоён бўладики, унга нафақат шу давлат фуқаролари, балки давлатнинг ўзи ҳам риоя қилиши керак. Ҳуқуқ ва давлат ўзаро боғлиқ бўлгандагина жамиятда конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: хўш, қандай функциялар конституцияга хос, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ривожлантиришга у қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволнинг жавоби ўқувчига давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётида конституциянинг аҳамияти ва ўрни нимадан иборат эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Биринчидан, конституция асосий қонун сифатида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий тартибга солинадиган объекти ҳисобланган барча жабҳаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ конституциянинг тартибга солувчи таъсири бавосита шаклда ҳам амалга оширилади. Масалан, унинг жорий ва соҳавий қонунчиликка сингдирилган асосий принцип ва қоидалари бошқача, яъни бавосита шаклда таъсир кўрсатади.

Умуман айтганда, конституциянинг таъсири қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, ижтимоий муносабатларни мунтазам тартибга солувчи, ҳамжиҳатлик ва тартиб-интизомни ижтимоий ҳаётга жорий этиш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи восита бўлиб қолаверади.

Иккинчидан, конституция ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ифода этиш ва юритиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи боби тўлиқ мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларини тартибга солишга бағишланган. Мамлакатнинг Асосий қонунидан ушбу бобнинг ўрин олиши сиёсий масалани ҳал этишда конституция нечоғлик муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Учинчидан, конституция асосий ғояларни мустаҳкамлайдиган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида муайян тарзда шахс онг-тафаккури, дунёқарашининг шаклланишига мафкуравий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияси сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, Конституциямизнинг 14-моддасида "давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади," деб қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқаронинг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантиришга.кўмаклашади.

Тўртинчидан, конституция тегишли давлат ҳокимият тузилмаларини таъсис этиш орқали ижтимоий ривожланиш жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ҳокимлик институтлари таъсис этилди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция талабларидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш шакли сифатида ўзбек халқи менталитетига мос ва кўп асрлик ривожланиш амалиёти билан синалган маҳалла институти ташкил этилгани ҳам бу фикрнинг исботидир.

Бешинчидан, конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш давлат-ҳуқуқ меъёрларини яратиш билан чекланиб қолмайди. Ушбу меъёрларнинг яратилиши ягона мақсад эмас, балки улар жамоатчилик ҳамда тегишли давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш учун мўлжалланган. Конституция муҳим амалий ташкилотчилик вазифасини бажариб, ҳуқуқни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш, тегишли давлат тузилмаларини қайта ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қомусимизнинг "Асосий принциплар" бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини қайд этувчи асосий ғоялар мустаҳкамланган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган.

Собиқ шўро тузуми даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устун эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу масала мустақил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни, шахс манфаатлари устунлиги, уни "олий қадрият" деб эътироф этиш нуқтаи назаридан ҳал этилган (13-модда). Шунингдек, Конституциямизда "фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги" принципининг мустаҳкамлангани бундай нуқтаи назар изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистоннинг конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъномоҳиятини англатади.

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган демократик қоидалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар, фикрлар хилма-хиллиги эътироф этилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда цензуранинг бекор қилиниши, ҳокимиятларни тақсимлаш ғоясининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштиришга йўл қўйилмаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан ваколат берилган органларнинг давлат ҳокимиятини халқ манфаатини кўзлаб амалга ошириши – буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатган ҳолда, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этадиган муҳим ва асосий конституциявий принциплардир.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён ўтган 16 йил мобайнида унинг қоидалари ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида илгари тасаввур қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришилмоқда. Мамлакатимизда Конституция туфайли фуқаролар ва миллатлараро тотувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ шу йил 1 май куни «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз олтмишта халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Конституциявий тамойиллар асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чоратадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтлари жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш изчил амалга оширилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи суд ҳокимиятининг фаолияти чуқур ислоҳ қилинди. Жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилиб, оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати кескин қисқартирилди.

Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллаш кенгайтирилди. Жиноий жазо тури сифатида шўролар давридан ўтган мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди. Вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими қайта кўриб чиқилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар берилди. Жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди, ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилди. Жиноят қонунчилигига янги — ярашув институти киритилди ва амалда кенг қўлланилмоқда.

Бир мисол. 2001 йил октябрдан 2008 йил октябригача бўлган даврда судда кўриб чиқиш жараёнида келтирилган зарар қопланганлиги сабабли 10 минг 785 нафар шахсга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога тортилган шахслар сони XX асрнинг 80-90-йилларидагига нисбатан бугунга келиб 3 баробар қисқарди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Бунинг натижасида, ҳибсга олинганлар сони 2007 йилнинг 9 ойидагига нисбатан жорий йилнинг айни даврида 1,5 минг шахсга қисқарди, тегишли қонун кучга киргандан буён судлар томонидан 186 нафар кишини қамоққа олиш тўғрисидаги прокурор илтимосномалари рад этилди.

Бундай ютуқ ва ўзгаришларнинг барчаси, аввало, Конституциямиз тамойилларининг ҳаётга изчиллик билан жорий этилиши натижасида қўлга киритилмоқда.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси**
**(ЎзА)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИК, ИДОРА, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизимларини рўйхатдан ўтказиш, расмий веб-сайтлар орқали давлат интерактив хизматларини кўрсатиш ва ҳукумат порталида жойлаштириш учун ахборот етказиб бериш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобдорлигини электрон шаклда қабул қилиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунгача давлат органларининг 38 та ахборот тизими рўйхатдан ўтган, бу йил бошидагига нисбатан 25 тага кўпдир. Рўйхатга олинган давлат ахборот ресурсларининг сони 149 тага етди, бу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 104 тага кўп. Эндиликда вазирликлар ва идоралар ўзларининг расмий веб-сайтлари орқали 43 та асосий давлат интерактив хизматлари ва 34 та қўшимча хизматлар кўрсатмоқда.

Давлат интерактив хизматларининг миқдори ва сифатини ошириш, хусусан, мавжуд компьютер техникасидан самарали фойдаланиш ҳамда барча вазирлик ва идоралар томонидан, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бундай хизматларни кўпайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси раҳбарларининг давлат солиқ ва статистика ҳисобдорлигини электрон шаклда тақдим этиш тўғрисидаги маърузалари тингланди. Тошкент шаҳрида бу йўналишда амалга оширилаётган ижобий ишлар қайд этилди, республика бўйича энг янги тизимларни жорий қилиш юзасидан тавсиялар берилди. Вазирлик, идора, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши бўйича тегишли ахборот тизимларига ўтишлари зарур.

Муҳокама давомида мазкур масалалар бўйича бир қатор вазирлик ва идоралар фаолиятида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг раҳбарларига аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш вазифаси юкланди, соҳа мутахассисларига таклифлар берилди.

Кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Солиев маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасининг почта алоқаси соҳасида кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Депутатлар муҳокама қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирдилар, таклифлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Р.Зарипова «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини депутатлар муҳокамасига иккинчи ўқишда тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат моддама-модда муҳокама қилинди. Депутатлар баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва муҳокама пайтида тушган таклифларни инобатга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига таалуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, болалар порнографиясига таалуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси А.Юнусова маъруза қилди. Муҳокама жараёнида депутатлар Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар мазкур қонунларни қабул қилдилар, улар маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Адвокатура институтининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Ражабов маъруза қилди. Ҳужжат концепциясини муҳокама қилиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун адвокатура институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Қонунчилик палатаси муҳокама пайтида билдирилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Ш.Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ўтказилганидан кейин депутатлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Тешаев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг қўлланилиши амалиёти ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси, шунингдек, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси А.Тўхтабоев томонидан тақдим этилган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатлар амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти тўғрисида қўмита раиси М.Тешабоев ҳисобот берди. Таъкидлаб ўтилдики, қўмита Қонунчилик палатасининг парламентлараро алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, прогрессив халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Шу билан бирга, муайян имкониятлар рўёбга чиқарилмаганлиги кўрсатиб ўтилди ва қўмита ишини такомиллаштириш учун таҳлилий ишларни амалга ошириш салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш топширилди. Депутатлар ҳисоботни муҳокама қилиш якунлари юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов қўмитанинг 2005–2007 йиллар ҳамда 2008 йилнинг ўн ойидаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот билан сўзга чиқди. Ана шу давр ичида Қўмита амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича анча иш қилди. Қўмита қонун ҳужжатларида берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда қонунлар жойларда ижро этилишини таъминлаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди. Ҳисоботни муҳокама қилиб ва маъқуллаб, депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

**(ЎзА)**

# ЯПОН ТАДБИРКОРЛАРИ ТАШРИФИ

**ЯПОНИЯНИНГ «TORAY INDUSTRIES» КОМПАНИЯСИ ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ АЪЗОСИ – КОМПАНИЯ БОШҚАРУВЧИСИ АКИРА ОГАВА РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ, МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ.**

"Toray Industries" компанияси ўз тарихини 1926 йил сунъий ипак толасини ишлаб чиқаришдан бошлаган. Бугунга келиб у тўқимачилик маҳсулотлари ва сунъий тола ишлаб чиқариш борасида дунёдаги етакчи компаниялардан бирига айланган. Компаниянинг Бразилия, Буюк Британия, Германия, Италия, Индонезия, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ каби 20 та мамлакатда жойлашган 200 га яқин корхона ва бўлинмаларида 38 минг нафар мутахассис меҳнат қилади.

"Canon" ва "Panasonic" компаниялари "Toray Industries"нинг Япония ички бозоридаги асосий ҳамкорлари ҳисобланади. Мазкур шерикларнинг қўшма лойиҳалари синтетик толалар ва газламалар ишлаб чиқариш, кимёвий маҳсулотлар, биопластик ва плазма ашёларининг янги турларини яратишга қаратилган.

"Toray Industries" таркибига "Chori" компанияси ҳам киради. Маълумки, ушбу компания Япония фирмалари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган ва унинг собиқ президенти Хисао Накамура мамлакатимизнинг Осака шаҳридаги биринчи фахрий консули лавозимига тайинланган эди.

"Toray Industries" янги газлама ва тўқимачилик маҳсулотларини яратишда нанотехнологияларни жалб қилган ҳолда фаол тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Компания томонидан яратилган сўнгги янгиликлар орасида махсус кимёвий қобиқ билан ўралган ва хушбўй ҳид таратиш хислатига эга газлама ҳамда саноат тизимлари томонидан ҳавога чиқарилаётган углеводород ҳажмини 20 фоизга қисқартириш имкониятини берувчи биопластик ашё катта қизиқиш уйғотди.

Япония бизнес тизимларининг кўплаб намояндалари компания тизимида тарбия топишган. Масалан, йиллик савдо-сотиқ ҳажми 16,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қиладиган Япония тўқимачилик федерацияси президенти Катсуносукэ Маэда бир неча йил давомида "Toray Industries"га раҳбарлик қилган. Акира Огава ҳам савдо операцияларини рағбатлантириш департаменти ходими лавозимидан директорлар кенгаши аъзоси – компания бошқарувчиси даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган.

— Ўзбекистон билан тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш ниятидамиз, — дейди делегация раҳбари А.Огава. — Ҳамкорликни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Даставвал маҳаллий бозорни ўрганиш ва келгусидаги ҳамкорликнинг аниқ вазифаларини белгилаб олишни мақсад қилиб қўйдик. Кейин ўзбекистонлик ҳамкорларга саноат буюртмалари берилади. Мазкур қадамларни муваффақият билан амалга оширгач, қўшма корхона тузилади ёки бевосита сармоя жалб этилади.

Делегация аъзолари мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясида учрашув ва музокаралар ўтказишди, бир неча тўқимачилик корхоналари фаолияти билан танишишди.

— Корхоналардаги озодалик ва юқори даражада ташкил этилган ишлаб-чиқариш жараёни бизда катта таассурот қолдирди, — дейди А.Огава. — Бу ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича якуний қарор қабул қилишимизда муҳим омил бўлади.

Делегация аъзоларининг мамлакатимизга ташрифи ўзбек-япон ҳамкорлигининг бир гуруҳ жонкуярлари ташаббуси билан ташкил этилди. Улар орасида иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Тошихико Никкай, парламент депутати Коки Чума ва "Chori" компаниясининг собиқ президенти, Ўзбекистон Республикасининг Осака шаҳридаги ҳозирги фахрий консули Тошиаки Тоура ҳам бор.

— Мамлакатингизнинг фахрий консули Ўзбекистонга келишга астойдил ундади ва биз мазкур таклиф учун ундан чексиз миннатдормиз, — дейди япон тадбиркори. — Ўзбекистондаги корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиб ҳамда ҳамюртларингиз билан мулоқотда бўлиб, халқларимиз, уларнинг дунёқараши, меҳмондўстлик анъаналари нақадар яқин эканини ҳис қилдик. Мазкур тушунчалар келажакдаги қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли бўлишига ишонч ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**"Жаҳон" АА**

# УНИВЕРСИТЕТДА «EKARMON» КУНЛАРИ

**«EKARMON» ИНТЕРНЕТ-ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИ ОПЕРАТОРИ «EKARMON GROUP» КОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МАЗКУР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА «EKARMON КУНЛАРИ»НИ ЎТКАЗМОҚДА. ТАДБИР ТАЛАБАЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ СОҲАСИДА НАЗАРИЙ ҲАМДА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН.**

Талабалар уч кун давомида тизим ҳақидаги барча маълумотлар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши, "eKarmon" тизимида электрон кармонларни харид қилиши, электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларига эга бўлиши мумкин. Ўтказиладиган кўргазмали семинарлар давомида компания вакиллари "eKarmon" тизимининг ишлаш технологиялари, интернет-дўконларга уланган агентлик тармоқларининг тизимда амалга оширилаётган операциялар хавфсизлиги ва қонунийлиги, жорий қилинаётган юқори технологик янгиликлар ва "eKarmon Group" компаниясини келгусида ривожлантириш режалари тўғрисида маъруза қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчи ва талабалари ўқув юртининг ўзида "eKarmon" интернет-тўловлари тизимининг фойдаланувчилари бўлиши мумкин. Шу мақсадда университет томонидан юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган махсус бино ажратилди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*2008 — Ёшлар йили*

# БУЮК ИСТИҚБОЛИМИЗ ЭГАЛАРИ




*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Шу тариқа мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу борадаги миллий қонунчилик тизимимиз халқаро ҳуқуқнинг демократик тамойилларига мос келиши билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ижобий жиҳатларини ҳам ўзида мужассам этган. Мазкур демократик стандартлар ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ташкил этиб, қонунчилик жараёнида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг татбиқ этилмоқда.

Давлат дастури доирасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича статистика ҳисоботи тизимини жорий этиш, бу борада маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилаётир.

2008 йил давомида юртимизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори уч марта – 1 апрелдан 12 фоиз, 1 сентябрдан 20 фоиз ва 16 ноябрдан 12 фоизга оширилганини алоҳида таъкидлаш даркор. Жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз энг ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда Президентимиз томонидан халқимиз, шу жумладан, ёшларимизнинг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, уларга ижтимоий мададни янада кучайтиришга мунтазам равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

## ТАЪЛИМ ОЛИБ, ҲУНАР ЎРГАНИБ...

Мустақиллигимиз ўн еттинчи йилининг Ёшлар йили деб эълон қилиниши замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Зотан, Ўзбекистон – том маънода ёшлар мамлакати. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшлар муаммоларига эътиборни жалб этиш масаласи давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида туриши шарт.

Асосий Қонунимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган. Шунингдек, Конституциянинг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади", деб белгиланган.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Ёшлар йилида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди. Йил бошидан буён 149 касб-ҳунар коллежи, 22 академик лицей, 634 умумтаълим мактаби, болалар спортини ривожлантиришнинг 184 объекти ишга туширилган.

Янги таълим масканлари замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилган. Ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури таълим соҳасидаги ана шу умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўналтирилган. Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши, жойларда мутахассисликлар ва ҳудудлар бўйича ёшларнинг иш билан бандлиги даражасини баҳолаш, бу борада қатъий статистика ҳисоботи ва мунтазам мониторинг олиб бориш каби ҳозир изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Жойларда ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчиларни тўлиқ ишга жойлаштириш, шунингдек, 2008-2009 ўқув йили битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда 545,2 минг янги иш ўрни очилди. Жойларда ишбилармонлик ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар ва сервис, касаначилик соҳаларини ривожлантириш эвазига ташкил этилган ана шу иш ўринларининг катта қисмини ёшлар банд этаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимиз таълим муассасаларини олий маълумотли малакали ўқитувчилар ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва таълим-тарбия ишлари даражаси ҳамда сифатини оширишда уларни моддий рағбатлантиришнинг самарали механизми жорий этила бошлангани муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг 2008 йил 24 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг лавозим маошлари ўртача 25 фоиз оширилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз таълим масканларида талабаларга таҳсил бераётган инсонлар меҳнатининг муносиб эътирофидир.

Табиийки, буларнинг барчаси таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани ва ҳаётимизда янги таълим моделининг кучли самарасига эришаётганимизнинг ўзига хос далолатидир. Энг муҳими, ўз Ватанининг тақдири, бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш йўлида амалга оширилган залворли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда.

Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир неча касб мутахассиси сифатида диплом олган, бир неча хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чақнаб турган навқирон кадрларни кўриб, қалбингизда ишонч, ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

## ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ

Эл-юртимиз ўзининг истеъдодли фарзандлари билан, уларнинг халқаро фан олимпиадалари, жаҳон спорт майдонлари, маданият ва санъат оламида эришаётган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш Ёшлар йилида нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчига айланди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида бу борада белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Sen yolg"iz emassan", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, "Истеъдод" жамғармалари, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Ҳаёт" каби нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этаётгани катта аҳамиятга эга.

«Келажак овози», «Янги авлод», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» каби республика танловларининг юқори савияда ташкил этилаётгани ёшларда чуқур билим олишга интилишни кучайтириш, илғор ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагоглар ўртасида инновация технологияларини жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан жойларда "Ёш оила" марказлари ташкил қилинди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда Ёшлар боғи барпо этилди. Бахт уйлари, спорт иншоотлари, бассейнлар, маданият ва санъат кошоналари қад ростламоқда.

Кези келганда, ҳозирги ёшлар ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернетнинг бекиёс имкониятларидан кенг фойдаланадиган, дунёнинг исталган чеккаси билан тезда боғланиб, осон мулоқотга кириша оладиган, қисқача айтганда, жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бугунги давримизга хос ва мос фарзандлар эканига эътиборни қаратиш ўринлидир.

Фарзандларимизнинг замон ва техникавий тараққиёт билан баравар одимлаётгани қалбимизга ғурур бағишласа, уларнинг онгу тафаккурини дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш масъулияти бизни янада хушёр, сезгир ва огоҳ бўлишга ундайди. "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, табиийки, ана шу жиҳатлар ҳам назардан четда қолаётгани йўқ.

Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими амал қилмоқда. Олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясидир. Ушбу стипендия 11 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрларга ҳамда 5 йўналиш бўйича аспирантларга берилади. Бакалаврлар учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари ҳам таъсис этилган.

Шунингдек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақалари ўтказиш, ана шу тадбирларда ва халқаро миқёсдаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёш иштирокчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур барча маблағларнинг Давлат бюджетидан ажратилиши ҳам давлатимизнинг ёшлар тақдири ва истиқболига нечоғли улкан масъулият билан ёндашишини кўрсатиб турибди.

Халқимиз ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада улкан обрў ва эътибор топмоқда. Бунда иқтидорли ёшларнинг хизмати салмоқлидир. Истеъдодларнинг юксак парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айлангани муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, меҳр ва эътибор, парвариш бўлмаса, ўсиш-улғайиш, камолот ва тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилгани тасодифий эмас. Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни маънавий тарбиялашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда давлат идоралари билан тегишли нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги натижасида юртимизда ўтказилаётган "Ниҳол" ва Зулфия мукофоти танловлари, "Янги авлод" ва "Келажак овози" кўрик-танловлари минг-минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этмоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳам ўзаро ҳамкорликда наинки мамлакатимиз доирасида, балки халқаро миқёсда муҳим аҳамият касб этган танловлар, фестиваллар, форумлар ва анжуманлар ташкил этилди. Тошкент шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бунга яққол мисол бўла олади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

## ОИЛА – МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

Президентимиз ўзининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим", деб таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Мамлакатимизда ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бунда, авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда эр ва хотин бўлаётган ёшларнинг тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида улкан ҳодиса эканлиги, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши ҳақида жамоатчилик орасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Қизларимиз онгида оналик, ўғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва оилада боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар кўлами кенгаймоқда.

Ёш оила фаровонлиги миллий фаровонлигимиз асосидир. Ёш оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Президентимиз уқтирганидек, соғлом оила вужудга келиши учун, аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта, халқ эса бой бўлади.

Ўз уйим – ўлан тўшагим. Халқимизнинг ушбу пурмаъно нақлини сўзма-сўз шарҳлайдиган бўлсак, бировнинг уйида юмшоқ ўриндиқда ўтиргандан кўра, тап-тақир ўлан тўшакда, яъни бўйрада ўтирсанг ҳам, ўз уйинг, оиланг даврасида яхши, деган мазмун чиқади. Зотан, ҳар бир ўзбек, ўзбекистонлик учун Ватан – муқаддас саждагоҳ бўлса, ўз уйи, яшаш маскани - Ватан ичра мўъжаз Ватандир.

Шу маънода, ёш оилалар учун уйлар бунёд этилиши "Ёшлар йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар орасида энг аҳамиятли, алоҳида таҳсинга сазовор хайрли ишлардан бўлди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳар бири 32 хонадонли 67 уй қурилаётгани назарда тутилса, бу бунёдкорлик ишлари ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашишда, уларнинг моддий ва ижтимоий фаровонлигини оширишда нечоғли катта аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас.

Натижада, бир томондан, минг-лаб ёш оилалар уйли-жойли бўлиб ҳаётга иштиёқи, келажакка ишончи янада ортаётган бўлса, иккинчи томондан, турмуш остонасига яқинда қадам қўйган ёшларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, яқинлари, маҳалла-кўй орасида давлатимизнинг оқилона сиёсатига нисбатан ҳурмат-эътибор тобора кучаймоқда.

Бу борада эришилаётган ютуқлар Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича ёш авлодни, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган эзгу ишларнинг изчил давомидир.

Мазкур фармонга мувофиқ, ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ҳам ажратилаётир. Аҳамиятли томони шундаки, бундай кредитлар эвазига ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллалар оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг бошқа кўплаб йўналишлар қатори соғлом оилани шакллантириш, кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёшларни турмушга тайёрлаш борасида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Президентимизнинг жорий йил 18 июнида қабул қилинган "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида"ги қарори ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юртимизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд. Ўтган даврда, бир томондан, ана шу ёш оилалар манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди ва уни амалга оширишнинг зарур бўлган ҳуқуқий асослари яратилди, иккинчи томондан, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш тизими шаклланди, учинчи томондан эса, ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш йўлида кўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Навқирон авлодга юксак ишонч, эътибор ва ғамхўрликдан баҳра олаётган ёш оилалар ўзлари қурган янги рўзғор учун ғурур ва масъулият ҳиссини янада теран англашга, ота-оналари, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, ўз фарзандларини халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга интилиб яшамоқда.

...Халқимиз 17 йил муқаддам дунёда ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, фаровон ҳаёт қурамиз, деб азму қарор қилган эди. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган улкан марраларни эгаллашнинг энг асосий мезони – бу халқимизнинг бақувват иймон-эътиқоди, тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабати тубдан ўзгараётгани, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганида намоён бўлмоқда.

Айниқса, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида тарбия олаётган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол ёш авлодимиз тимсолида бу ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Воқеа арафасида*

# ХАЛҚАРО ТЕРАПЕВТЛАР АНЖУМАНИ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАРОВОН ТУРМУШИ, УНУМЛИ МЕҲНАТИ, АЛБАТТА УНИНГ СОҒЛИҒИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР. ШУ САБАБЛИ ҲУКУМАТИМИЗ, ШАХСАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯШАЁТГАН АҲОЛИНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТ БЎЛИШИГА КАТТА АҲАМИЯТ ҚАРАТМОҚДА. МУСТАҚИЛЛИККА ЮЗ ТУТГАНИМИЗДАН КЕЙИН ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИНИ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЮКСАЛИШИДА КЕНГ ҚЎЛЛАШ БОРАСИДА БИР НЕЧТА ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ЧИҚАРИЛДИ. АНА ШУ ЗАРУР ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ШИФОКОРЛАРНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА, АЛБАТТА.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дастури асосида 13-14 ноябрь кунлари терапевтларнинг навбатдаги 5-съезди бўлиб ўтади. Бу анжуманда Ўрта Осиё, Россия мамлакатларидан етакчи олимлар ва терапевт мутахассис, шифокорлар ўз маърузалари билан қатнашишади.

Хўш, ушбу нуфузли анжуманни терапевт шифокорларимиз қандай ютуқлар билан қарши олмоқдалар? Бу саволга жавоб бериш учун рақамларга назар солсак айни муддао бўлур эди.

Ўзбекистон бўйича 2007-2008 йилларда шифохоналар сони 890 та бўлиб, бунга ҳар хил турдаги муассасалар киради. Республика бўйича терапевтлар сони 7368 шифокорга тўғри келади, уларнинг сони кундан кунга кўпаймоқда. Булар ичида аниқ мутахассис бўлмиш пульмонолог шифокорлар сони — 183 та, болалар пульмонологи — 11 та, кардиолог мутахассис — 861 та, тез тиббий ёрдам соҳасидаги кардиологлар 82 тадир.

Республикамизда 9 та кардиологик диспансер мавжуд бўлиб, улардаги ўринлар сони 888 тани ташкил этади. Бу диспансерларда катта тажрибага эга, олий тоифали терапевтлар халқ хизматидалар. Бундан ташқари республикамиздаги поликлиникаларда меҳнат қилаётган шифокор-терапевтларни алоҳида тилга олиш мақсадга лойиқдир. Улар ўз участкаларидаги ҳамма беморларни яхши билишлари, уларга юракдан, самимий ҳолда хизмат кўрсатишлари яхши маълумдир.

Бизнинг мамлакатимизда терапевтик хасталиклардан бири — миокард инфаркти бор беморларни уч босқичда даволаш тизими ишлаб чиқилган, бу усул бутун дунёда тан олинди. Бу касалхона — санаторий-поликлиникадир. Ана шу усул шарофати билан беморларнинг 80 фоизининг соғлиғи қайта тикланиб, ўз жамоаларига меҳнат қилиш учун қайтмоқдалар. Комплекс реабилитация лозим топилган беморлар ўртасида миокард инфарктининг қайталаниши назорат қилинаётган гуруҳдаги беморларга нисбатан 2 баробар камайди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, бундай беморлар соғлиғини тиклашга кетган ҳар бир 1000 сўм 4300 сўмдан ортиқ иқтисодий самара келтирган.

Хулоса қилиб айтишимиз керакки, терапевтик хизмат йилдан йилга янги, юқори поғоналарга кўтарилмоқда, ушбу ютуқларга республикамиздаги 7368 нафар терапевт шифокорлар, 888 нафар кардиологлар ўз меҳнатлари билан пойдевор ясамоқдалар. Бинобарин, ўйлаймизки, ушбу анжуман ҳам ниҳоятда фойдали кечиб, ушбу соҳа ривожида ўзига хос омил вазифасини ўтайди, турли мамлакатлар терапевтларининг тажрибалари оммалаштирилади.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ,**
**олий тоифали шифокор-терапевт,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

*Таълим*

# МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ҲАМ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ МАРКЕТИНГ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ БИР НЕЧА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ТАЙЁРЛАНДИ.**

«Маркетинг назарияси», «Маркетингни бошқариш» деб номланган дарсликлар чоп этилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу каби ўқув адабиётларини босмага тайёрлашда кафедра томонидан Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги техника университети билан ҳамкорлик ўрнатилди. «Биржа ва биржа фаолияти», «Ўзбекистон автомобил транспортида маркетинг асослари» каби қўлланмалар босма юзини кўрди.

# ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИДА «ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТ» ЙЎНАЛИШИДА ҲАМ ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁНЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ БУ СОҲАГА БАҒИШЛАБ УЮШТИРАЁТГАН ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.**

Бундай тадбирлар жойлардаги тадқиқотлар мисолида ҳам намоён бўлди. Жумладан, туманлардаги хўжаликларда тупроқнинг кимёвий хоссаларига оид тадқиқотлар асосида тавсиянома тақдим этилди.

Факультет қошида «Экология ва гидрометеорология» тўгараги ҳам иш бошлади.

# ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

**ҲОЗИР ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА БИР НЕЧТА ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

Корея Республикаси саноат ва технология фонди томонидан ташкил этилган ўқув курсида эса кореялик профессорлар 60 дан ортиқ талаба, магистр ва аспирантлар ҳамда ёш ўқитувчиларга Корея таълими ва саноатининг тараққиёт босқичлари бўйича туркум маърузалар ўқидилар. Олий ўқув юртида Германиянинг «Глаас» фирмаси билан ҳамкорликда янги ўқув маркази иш бошлади. Ўзаро келишувга асосан мазкур фирма техникаларидан фойдаланиш дастури тайёрланиб, талабаларни шу жараёнга жалб этиш тадбирлари белгиланди.

**Акбар АЛИЕВ**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

### “Саламон ва Абсол”дан

(Олимжон Бўриев таржимаси)

**Ҳеч неъмат мисоли фарзанд бўлмагай,
Жонга фарзанд каби пайванд бўлмагай.
Фарзанддан бўлади ҳосил мард коми,
Фарзанддан қолади тирик мард номи.
То тириксан кўзинг у билан равшан,
Ўлсанг ундан бўлар хокингда гулшан.
Оёғинг бўлар у бир жойда толсанг,
Қўлингдан олар у йиқилиб қолсанг.
Кексайган чоғингда бўлади мадор,
Умринг уни кўриб ёшарар такрор.**

* * *

**Ҳар ким туғилмасдан ноқобил фарзанд,
Худодан тиласин яхши жигарбанд,
Қандай фарзанд бўлса қисмати азал,
Ўлим тилаб бўлмас унга ҳеч маҳал.**

* * *

**Нафсига ким бўлса банда,
Охир бурди кетиб бўлур шарманда.**

* * *

**Ким бақо мулкида бўлмаса ғолиб,
Кеча бўлса, бугун кетмиш йўқолиб.**

* * *

**Мақсад калавасин йўқотма учин.**

* * *

**Дилраболар васфи бўлар яхшироқ,
Ўзгалар тилидан мадҳ этилган чоқ.**

* * *

**Марднинг бахти агар бўлмаса мангу,
Оқиллар умиди қибласимас бу.**

* * *

**Насиҳат нодонни комил айлагай,
Насиҳат нопокни муқбил айлагай.
Насиҳатдан тоза бўлади ҳар дил
Ва ундан ечилар ҳар қандай мушкил...**

* * *

**Ҳар ким қудратига яраша қилур,
Уни мажбур этмак, жоҳиллик бўлур.**

* * *

**Эр киши таънадан чекса ҳам озор,
Сабру бардош ила енгмоғи даркор.**

* * *

**Қандай яхши, сенга ҳамдам бўлса ёр,
Айбжўйлардан узоқ бўлсанг бахтиёр.
Мақсадингга етиб бўлгайдирсан шод,
Сенга қарши бўлмас бирор мавжудот.**

* * *

**Яхшилик қил, қайтар яхшилик такрор,
Ёмонлик қилса ким бўлур хору зор.**

* * *

**Камбағалга бўлмас бундан ортиқ ғам,
Хазина топганда қолса бедирҳам.
Бундан ортиқ бўлмас ташнага зуғум,
Кўз ўнгида булоқ, лаб сувдан маҳрум.**

* * *

**Яхшидан насиҳат, ёмондан қадар.**

* * *

**Донога итоат этмоқлик создир,
Ким унга бўйсунса доим мумтоздир.
Эшит, бир донодан қолгандир бу гап,
Сўзлар дурдонасин топиб айтмиш зап:
Доно бўл, юрмагил ҳаддингдан ошиб,
Унинг соясида ё боргил шошиб.
Нодонликдан кетса ишингдан ривож,
Фақат доно топар унга бир илож.**

* * *

**Ишга солса доно ҳимматин агар,
Хоҳлаган нарсасин тезда яратар.**

* * *

**Билганингга қилгин доимо амал,
Билмасанг донодан сўра ҳар маҳал.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЧИЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИДА «МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ: ОДОБ-АХЛОҚ, КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР

Республика Маънавият тарғибот маркази, Мирзо Улуғбек туман маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди. Унда асосий эътибор ёшларнинг муомала, кийиниш маданияти қанчалик урф-одатларимизга мос келишига қаратилди.

Одоб-ахлоқ, хушхулқлилик, чиройли кийиниш инсоннинг зийнатидир. Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби учрашувлар урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббатни, миллий либосларимизнинг кўркамлигини ёшлар қалбида сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди. Дарҳақиқат, айниқса ёшлар ўртасида бу сингари давра суҳбатларининг ўтказилиши уларни анъана ва урф-одатларни эъзозлашга ундайди.

Анжуман доирасида институт талабаларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Унда ёшлар ўз коллекциялари билан иштирок этиб, уларда барча вилоятлар урф-одат ва анъаналари уйғунлаштирилган либосларни тақдим этишди. Ўзбекона урф-одатлар ҳамоҳанглигида яратилган бу бетакрор либослар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбир баҳс-мунозарага бой бўлди. Бунда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, бундай учрашувларни нафақат олий ўқув юртларида, балки мактаб, лицей, маҳаллаларда ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

---

# РАССОМНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ ВАЛЕНТИН СТЕПАНОВИЧ РОДИННИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.**

Мазкур кўргазма рассомнинг 90 ёши муносабати билан ташкил этилди. Айтиш жоизки, ушбу асарлар гулдастаси рассомнинг олтинчи шахсий кўргазмаси ҳисобланади. Рангтасвирчи рассом В.С.Родин асарларидаги рангларнинг ёрқинлиги, уйғунлиги ҳар бир кишида катта қизиқиш уйғотади. Жумладан, унинг “Боғда куз”, “Ёз инъомлари”, “Куз бўёқлари”, “Ёмғирдан сўнг” каби ўнлаб асарларида рангларнинг сержилолигини кўрсангиз, “Баҳор”, “Шарқ натюртмортлари”, “Хумсон адирлари” асарларида табиатнинг надақар гўзал ва бетакрор эканлигига гувоҳ бўласиз. Шунингдек, рангтасвирчи табиат билан ўзаро уйғун ҳолда, фасллар орқали ўз кечинмаларини тасвирлашга ҳаракат қилади.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар, рассом ижоди билан мухлисларини яқинроқ таништириш, ёш авлодни маънавий-маърифий ғоясини шакллантириш мақсадида ташкил этилганлигини қайд этишди. Бундан ташқари, муаллифнинг 90 ёши билан муборак этиб, унинг бундан кейинги ижодига ҳам юксак парвозлар тилашди.

Айтиш ўринлики, В.С.Родин Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодий уюшмасининг аъзоси. Муаллифнинг асарлари нафақат Ўзбекистон Давлат Фонди, музейларда, балки Америка Қўшма Штатлари, Германия, Туркия, Испания, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар музей ва шахсий тўпламларида сақланиб келинмоқда.

Мазкур шахсий кўргазмада муаллифнинг кўп йиллар мобайнида яратган 100 га яқин асарлари мухлислари эътиборига ҳавола этилди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

---





Олтин куз манзаралари

*Анжуманлар*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ИЛК ДАВРЛАРИДАЁҚ ЯНГИ ВУЖУДГА КЕЛГАН СУВЕРЕН ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛ РИВОЖ ТОПИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА АҲОЛИНИНГ МУҲОФАЗАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БАРОБАРИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИШ УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. ҲОЛБУКИ, ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН ҚОҚИЛМАЙДИ. ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАР БИЛАН БОРАР ЭКАНМИЗ, МАМЛАКАТДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАР БИР ИНСОН МИЛЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИГА, МУЛКДОР БЎЛИШГА ВА ФАРОВОН ЯШАШГА ТЎЛА ҲАҚЛИДИР.**

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳарбий хизматчилар ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаси шахсий таркиби билан “Ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш” мавзусида амалий-ҳуқуқий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Эргаш Икромов кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар юксак маънавият ва инсоний баркамоллик негизида олиб борилаётганлиги, уларнинг барчаси уйғун ҳолда ташкил этилишининг сабаби ислоҳотларда инсонпарварлик ғояси мужассам эканлигида эканини таъкидлади. Шунингдек, бугунги кун ёшларининг ҳуқуқий билимларини янада ошириш ва такомиллаштириш, Конституциянинг асл моҳиятини уларга тўлақонли тушунтириш, уларни Ватанимизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш борасидаги мулоҳазали, мушоҳадали фикрларини билдирди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожимурод Одилқориевнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг қонунчилик фаолияти”, Тошкент Давлат юридик институти доценти Ҳайдарали Муҳамедовнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва унинг амалий аҳамияти”, иқтисод фанлари номзоди, доцент Абдуғаффор Ортиқовнинг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари”, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизмати бошлиғи подполковник Рустам Ёдгоровнинг “Матбуот ва ҳуқуқий-тарғиботнинг роли”, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи подполковник Фарҳод Абдуллаевнинг ФВВ шахсий таркиби билан ҳуқуқий-тарбиявий тайёргарликни мувофиқлаштириш” мавзуларидаги чиқишлари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

---

*«Тошкент оқшоми» саломатлик хизмати*

# ОБ-ҲАВО ТАЪСИРИНИ ПАСАЙТИРИШ МУМКИН

**— Об-ҳаво кескин ўзгаришининг таъсири амалда соғлом ҳисобланган кишиларнинг асосан руҳий-эмоционал ҳиссиётларида кўпроқ сезилади, — дейди тиббиёт фанлари доктори Ф. Саидов. Баъзан ғайритабиий иқлим ҳодисалари чоғи метеоневроз деб аталувчи касаллик кўзга ташланади. Яъни бундай одамлар организми фаолиятида ҳеч қандай бузилишлар сезилмаса-да, эрталабдан тинмай ёғаётган ёмғир сал бўлмаса уларни депрессияга олиб бориб қўйиши мумкин...**

Сурункали касалликларга дучор бўлган беморлар ҳолати бошқа гап. Ҳаво ҳароратининг, атмосфера босимининг ҳамда электромагнит майдонининг ҳар қандай ўзгаришлари уларда асосий хасталикнинг нохуш зўрайишига, ҳатто кўрпа-тўшак қилиб ётиб олишга олиб боради.

Метеоомиллар – яъни об-ҳаво ўзгаришлари таъсирини ўрганиш билан тикловчи тиббиёт ва курортология илмий маркази мутахассислари шуғулланишади. Метеоомилларнинг киши саломатлигига таъсирини улар олиб борган кўпдан-кўп кузатишлар асосида қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Энг муҳим ҳисобланган атмосфера босими омилидан бошлаймиз. Унинг кескин чиқиб-тушиши, айниқса сакраб туриши қон айланиш тизимига, томирлар уриши маромига, артериал қон босимига салбий таъсир кўрсатади. Ҳавонинг юқори даражадаги намлиги ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Масалан, совуқ кунларда ҳаво намлигининг 83-86 фоизни ташкил этиши кўпинча сурункали яллиғланиш хусусиятига боғлиқ касалликларнинг зўрайишига олиб келади.

Об-ҳаво гипоксияси деб номланган атмосфера ҳавоси таркибида кислороднинг камайиши ҳодисаси қон томирлари ва ўпка патологияси бўлган беморлар, бронхиал астма билан оғриган кишилар аҳволига оғир таъсир қилади. Бу ҳолат, масалан, қишда қор гупиллаб уришидан олдин ёки ёзда ҳарорат ва ҳаво намлиги юқори кўрсаткичларга эга бўлган кезлари юз бериши янада аниқроқ кузатилади.

Магнит бўронлари деб аталувчи табиат ҳодисасининг ҳам инсонларга ўзига хос таъсири мавжуд. Соғлом кишиларда у бош оғриғи, асаб таранглиги, турли ташқи таъсир ҳолатларига организмнинг жавоб реакцияси секинлашиши каби ҳолатларда намоён бўлади. Шундай кунларда метео омилларга сезгир кишилар, масалан, автомобилни бошқаришда кўпинча жуда эҳтиёткор бўлишлари керак. Бундан ташқари магнит бўронлари юрак-қон томир ва асаб тизими касалликлари бўлган кишиларда касаллик зўрайишини намоён этади.

Об-ҳаво инжиқликлари энг аввало кимларга ўз таъсирини ўтказади, деган савол туғилиши табиий. Унга, биринчи навбатда кардиологик беморларга, дея жавоб бериш тўғри бўларди. Бу ҳолатни турли шаҳарларда Тез ёрдам хизматига аҳоли мурожаатларини кўрсатувчи статистик маълумотлар тўла тасдиқлайди. Чунончи, об-ҳавони ташкил этувчи омиллардан бири – ҳаво ҳарорати, намлиги, атмосфера босими, шамол тезлиги, геомагнит бўхронлари ғайритабиий авжга минган кезлари юрак ишемияси хасталиги билан оғриган беморлар ва гипертоник касалларга Тез ёрдам чақириқлари сони кескин ортиб кетади.

Инфаркт ёки инсультни бошидан кечирган ёхуд атеросклероздан азият чекувчи беморлар саломатлиги жиддий ёмонлашади. Бўғимларида бод касаллиги бўлган кишилар, шунингдек, ўпкаси носоғ, марказий асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзоларида касаллиги бўлган мижозлар об-ҳавонинг зиғирча ўзгаришларидан ҳам қаттиқ безовта бўлишади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳолатлардан қандайдир фожеа ясаш керак эмас. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам нажот йўлини топса бўлади. Об-ҳаво ўзгаришларидан таъсирланиш даражасини пасайтириш имкониятлари мавжуд. Агар сурункали касалликлар билан оғриган беморларга тўхталадиган бўлсак, улар биринчи навбатда асосий хасталикдан даволанишлари ҳамда об-ҳаво ноқулай келиши ҳақидаги прогнозлар эшитилганда эса, профилактик муолажаларни қўллашлари керак бўлади.

Шифобахш даволаш гимнастикаси, ҳаво ва қуёш ванналарини қабул қилиш йўли билан чиниқиш, табиат қўйнида мунтазам дам олишларга одатланиш жуда фойдали ҳисобланади. Махсус методика асосида электр-уйқу муолажаларини қабул қилиш, контраст ва қуруқ карбонат ангидрит ванналари ҳам жуда яхши ёрдам беради.

Уй шароитларида хвой экстрактидан тайёрлаш унча мураккаб бўлмаган хвойли ванналар жуда самарали бўлади. Уларда сув ҳарорати 35-37 даража, ваннада ётиш вақти 10-15 дақиқа бўлиб, бир даволаш курси 12-15 муолажадан иборат: Соғлом турмуш тарзи ва умр заволи бўлмиш чекишдан воз кечишнинг ҳеч муболағасиз аҳамияти беқиёсдир. Санаб ўтилган омилларнинг ҳаммаси киши организмининг ўзгариб борувчи иқлим шароитларига яхшироқ мослашувига таъсирчан ёрдам беради.

Энг муҳими – ҳар қандай об-ҳаво шароитида ортиқча хавотирга тушмай, хотиржам ва осойишта бўлиш, зарурат бўлган тақдирда профилактик муолажаларни қабул қилиш иқлимий ўзгаришларни саломатликка путур етказмай ўтказишга асос бўлади.

---

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАЙЛИК

**МАЪЛУМКИ, ЖАМИЯТ УЧУН ҲАМ ШАХС УЧУН ҲАМ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИЙ ЎРИНДА ТУРАДИ. АЙНИҚСА, ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ ҲАМИША, ҲАР ЖОЙДА КАТТА МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.**

«Сув балосидан, ўт балосидан асрасин», деган нақл бежиз айтилмаган. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб туфайли чиққан ёнғин оқибатида бинолар, уй-жойлар, асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари куйиб-ёниб, кулга айланиши мумкин. Энг ачинарлиси, оловнинг фалокати боис, инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Бинобарин, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш кенг миқёсда истиқбол учун қайғуриш демакдир.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газ иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, қаровсизлик, бепарволик, умуман ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига ҳам риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда ёнғин чиқиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Чунки биргина ўчирилмаган сигарета қолдиғи ёки электр симларининг қисқа туташуви туфайли ўт чиқиши мумкин. Бинобарин, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятни унутмаслик, айниқса ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик керак.

Кузги-қишки мавсумда қатор ижтимоий, тиббий, маиший омиллар боис ёнғин чиқиши эҳтимоли ҳоллари анча кучаяди. Кузги-қишки иситиш палласида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтириш лозим. Зеро, иссиқлик соғлиғимиз учун муҳим ўрин тутади.

Эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатида неча-неча кишиларнинг меҳнати самараси йўқ бўлиши, нон-насибасиз қолишига йўл қўймаслик ғоятда муҳим. Биринчи навбатда мутасаддилар болалар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Айниқса кўп қаватли уйларда ва корхона-ташкилотларда фавқулодда чиқиш йўллари тўсиб қўйилмаслиги, вақтинчалик ҳамда носоз электр асбоб-ускуналари ишлатилмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Азиз ҳамшаҳарлар, уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнғин хавфсизлиги ҳақида ўйлайлик, фалокатнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик. Болаларга ёнғиндан сақланишни ўргатиб уқтириб боришнинг шарофати кўп.

Қисқаси, доимо етти ўйлаб бир кесган ҳолда оқилона иш юритилар экан, ўт-олов ҳам мунтазам эзгуликка, ривожланишга хизмат қилаверади.

**Комил ОРИПОВ,**
**Азиз ҲАМДАМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 12-ХЁХО кичик инспекторлари, сафдорлар**

---

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Кафедра мудирлари:**
«Математика ва табиий фанлар», «Информатика ва компьютер графикаси», «Геодезия, картография ва кадастр»
**Профессорлар:**
Архитектура ва шаҳарсозлик (1), Иқтисодиёт (1), Менежмент (1)
**Доцентлар:**
Қурилиш материаллари ва кимё (1), Шаҳар қурилиши ва хўжалиги (1)
**Катта ўқитувчилар:**
Архитектура ва шаҳарсозлик (1), Архитектура тарихи ва назарияси (1), Архитектура муҳитлари дизайни (1), Ўзбек ва хорижий тиллар (1), Иқтисодиёт (1), Менежмент (1), Информатика ва компьютер графикаси (1), Фалсафа (1), Геодезия, картография ва кадастр (1)
**Ассистентлар:**
Архитектура муҳитлари дизайни (1), Информатика ва компьютер графикаси (1), Фалсафа (1)

**Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.**
**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки илмий котибга учрашишлари мумкин.**
**Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.**

---



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
5

Топширилган вақти: 13.36